

# Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2019 йил ФАОл инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган

2019-йил 12-январ, шанба 4 (8971)-сон

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда республика иқтисодиётида давлатнинг роли ва иштирокини қисқартириш, иқтисодиёт тармоқларини бошқаришга бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий қилиш, шунингдек, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт органларининг амалдаги тузилмаси, уларнинг ишини ташкил қилиш принциплари ва усуллари иқтисодиётни бошқаришнинг замонавий талабларига, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларидаги тузилмавий ўзгаришларга жавоб бермайди.

Хусусан, иқтисодиётнинг ўзгариши шароитида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосланган мақсади йўналишларини (индикаторларини) шакллантириш, шунингдек, мавжуд ички ва ташқи омилларни ҳамда ислохотларнинг стратегик устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ўсишнинг янги манбаларини аниқлаш тизими мавжуд эмас.

Иқтисодиётнинг худудий ва тармоқ тарққиёти, шу жумладан, урбанизация саноқлиятини амалга ошириш орқали мутаносиблики таъминлаш учун ишлаб чиқариш қўлларини жойлаштириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш тизими керакли даражада йўлга қўйилмаган.

Бозор тамойилларини кенг жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, бозорни рақобатбардор товарлар

билан тўлдирish ва уларни ташқи бозорларга йўналтириш ҳажмларини ошириш бўйича зарур тадбирлар ишлаб чиқилмапти.

Натижада, барқарор ишчи ўринлари яратиш даражаси пастлигича сақланиб қолаётганлиги аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини барқарор даромад манбаи билан таъминлаш имконини бермайди ва сифатли инсон капиталини ривожлантиришга тўсқинлик қилади.

Иқтисодиёт органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, уларни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш "локомотивига" айлантириш, иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги этиб қайта ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

макроиқтисодий индикаторларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш асосида иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш ва иқтисодиётнинг реал сектори ҳолати, ташқи бозорлари конъюнктураси ҳамда глобал ва минтақавий иқтисодий ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ ҳолда иқтисодиёт асосий соҳаларини ривожлантириш стратегиясини шакллантириш;

(Давоми 2-саҳифада)

## ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислохотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 11 январь куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 17-18 март кунлари вилоятга ташрифи чоғида кўлаб истиқболли лойиҳалар билан танишган, туман ва шаҳарларда қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, саноат, туризм, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан вазифалар белгилаб берган эди.

Ўтган вақт мобайнида мазкур топшириқлар ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишларида умумий қиймати 1 минг 142 та лойиҳа ишга туширилиб, 10 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

2018 йилда Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш дастури доирасида саноат йўналишида жами 88 та лойиҳа амалга оширилиб, 1 триллион 322 миллиард сўмдан зиёд инвестициялар ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри инвестициялар

ҳажми 58 миллион 267 минг долларни ташкил этди.

Президентимиз Самарқанд вилоятига ташрифини Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилишдан бошлади. Қуръон тиловат қилинди. Маълумки, 2016 йили Исллом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлиги кенгашининг 43-сессияси очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ёнида илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш таклифини илгари сурган эди. Кейинчалик давлатимиз раҳбари ушбу марказ лойиҳаси ва қурилиши билан бир неча бор танишиш, муҳим тавсиялар берди. Бугунги кунда қурилиш ва пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Шавкат Мирзиёев ушбу марказда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Марказ Имом Бухорий ва бошқа мутафаккир алломаларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, мамлакатимиз ва хорижий

давлатлардаги кутубхоналар, архив фондларида сақланаётган кўлёмаларнинг электрон нусхаларини тўплаш, уларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш билан шуғулланади. Бу ерда аждодларимизнинг бой меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш, етук мутахассислар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган.

Марказнинг биринчи қаватида музей ташкил этилган. Унда Имом Бухорийнинг ҳаёти, илмий сафарлари акс этган. Музей марказига "Саҳиҳи Бухорий" китобининг қадимий кўлёмаси нусхаси қўйилган.

Музей билан танишар экан, Президентимиз бу жой зиёратчиларга Имом Бухорий ҳақида кенг тасавур беришини, билимини бойитишини таъкидлади.

Дунё харитасида яна бир илмий марказ пайдо бўлди. Бу марказ мамлакатимизга илм, барака олиб келади. Ёшларимизга билим, куч беради. Бу ерда ўқиганлар, зиёратта келганлар катта маънавият, маърифат олади, деди Шавкат Мирзиёев.

(Давоми 3-саҳифада)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Э.О.ТУРДИМОВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Эркинжон Оқбутаевич Турдимов Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 11 январь



## Фаргона вилояти Ҳарбийларга уй-жойлар

Фаргона шаҳрининг Чекшўра қишлоғига туташ ҳудудда ҳарбий хизматчилар учун 180 хонадонга мўлжалланган олти қўл қаватли уй қуриб битказилди. Унга кўчиб ўтган ҳарбийларнинг қувончи чексиз.

– Уч хонали уйга эга бўлдим, – дейди сержант Жасурбек Исмоилов. – Оиламизда бир ўғил ва бир қиз ўсмоқда. Хотиним Дилнозаҳон боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди. Хурсандчилигимизни сўз билан ифодалаш қийин. Ўз миннатдорчилигини Ватанимга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилиш орқали билдираман.

Уй-жойлар топшириш маросимида Фаргона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев ва Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони Лутфулло Бурауков сўзга чиқиб, ҳарбийларни янги уй-жойлари билан табриқлади ҳамда уларга муваффақиятлар тилади.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

## ЯНГИ ИЛМИЙ МАРКАЗ ВА ҲАДИС МАКТАБИ

Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ёнида ташкил этилган илмий-тадқиқот маркази ва унинг ёнида жойлашган Ҳадис илми мактаби Имом Бухорий ва бошқа мусулмон дунёси буюк мутафаккирларининг бой меросини чуқур тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни ислом динининг асл қадриятларига садоқат руҳида тарбиялаш, халқор ҳамкорлик ва мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу тариқа дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган илмий меросимиз қайта жонланиб, янгилаётган илм дунёсига ўз сўзини айтади.

(Давоми 3-саҳифада)



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олиб борилаётган тарихий ислохотлар доирасида йирик стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан бир қаторда шаҳарлар аҳолисини фаровонлигини ўсиши ва барқарор ривожланишига етакловчи омил сифатида урбанизация жараёни тегишли даражада ҳисобга олинмаган. Натижада сўнги йилларда урбанизация даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда, шаҳар аҳоли пунктлари сони эса атиги 1065 дан 1071 гача кўлайган.

Йирик қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар посёлкаларига айлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирларга қарама-қарши, бугунги урбанизация даражаси шаҳарларни комплекс ривожлантириш бўйича замонавий талабларига жавоб бермайди ва жаҳон тенденцияларидан сезиларли даражада қўлиб кетмоқда. Бунда урбанизация даражаси ҳанузгача барқарор хусусиятга эга эмас.

Урбанизация жараёнининг давлат томонидан самарали тартибга солинишини таъминлаш ҳамда ер участкаларининг айланмаси ва улардан фойдаланишда замонавий бозор механизмларини жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар мамлакатда урбанизация

жараёнларини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

мулкдо аниқ уй-жой сиёсатини амалга ошириш асосида урбанизация жараёнларини фаоллаштириш, бунда муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмалар билан таъминланган, ипотекани кредитлаш ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини жалб қилиш механизмларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, кам ва ўрта даромадли оилалар учун арзонлаштирилган турар жойларни қуришга йўналтирилган инвестицияларни кўлаб-қувватлаш бўйича махсус чора-тадбирларни назарда tutиш;


жисмоний ва юридик шахслар учун турар жой ва нотурар жой бино ва иншоотлар остида ер участкаларига эгаллик қилиш ҳуқуқини амалга оширишни кафолатлаш, ер участкаларини фуқаролик муомаласига киритиш учун шарт-шароитлар яратиш;

миграция жараёнларини маъмурий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш йўли билан аҳолининг қишлоқ жойларидан шаҳарларга эркин ҳаракатланиш учун шарт-шароитлар яратиш;

(Давоми 2-саҳифада)

## 14 январь – Ватан ҳимоячилари кун

– Болалигимдан ҳарбий техникаларга қизиқман, – дейди Касби туманидаги 48-умумтаълим мактабининг юқори синф ўқувчиси Муродали Бобомуродов. – Отамга доим ўйинчоқ танк олдираддим. Кейин кўчамиздаги болалар билан ўйнардик. Уйинда доим мен ғалаба қилардим, чунки менинڭ ўқ ўтмас танким бор эди-да. Албатта, бу болалиқдаги ўйинлар. Лекин ҳақиқий танкини ҳеч қачон кўрмагандим. Бугун ушбу орузим ушaldi. Уқитувчимиз бошчилигида ҳарбий қисimgа саёҳат қилдик ва ҳақиқий танкларни кўрдик. Ҳатто бошқарув бўлмасига кириб, бир муддат ўзимни танкчидек тасаввур ҳам қилдим. Жуда зўр. Келажақда, албатта, танкчи бўламан.



## Ҳарбийлар ҳаёти билан танишган ўқувчилар ҳаваси

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмлардан бири фаолияти билан танишувимиз мана шундай бошланди. Боиси, биз ҳарбий қисмда бўлганда у ерда очик эшиклар кунни ўтказилаётган ва бир гуруҳ мактаб ўқувчилари ҳам саёҳатга келишган экан.

Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, мамлакат мудофеа салоҳиятини янада ошириш, ҳарбий соҳани замон талабларига мос ҳолга келтириш билан боғлиқ мут-

лақо янгича ёндашув, кўламдор ислохотлар самарасини мазкур ҳарбий қисм мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу ерда биргина ўтган йили лойиҳа қиймати 37 миллиард сўм бўлган 17 та объектда қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, ҳарбий қисм бутунлай замонавий киефа касб этган. Хусусан,

## Хоразм вилояти

Урганчада ташкил этилган "Ниҳол" нодавлат таълим даргоҳи жорий ўқув йилида ўқув маркази сифатида биринчи ўқувчиларини қабул қилди. Бу ерда ўқувчилар ментал арифметикаси, инглиз ва рус тили, математика фани ҳамда ифодали ўқиш, чиройли ёзиш, шахмат курсларида қўшимча таълим олишмоқда. Нодавлат таълим муассасасига вилоятнинг барча туманларидан ва Урганч шаҳри мактабларидан ўқувчилар келиб машғулотларда қатнашмоқда. 250 нафар ўқувчига 20 нафар малакали педагог 19 та фан хонасида билим бермоқда. Шунингдек, муассасада кутубхона, ошхона, спорт зали, ўқитувчилар ва ҳамшира хоналари ҳамда фоллар зали мавжуд.

одамнинг чап миёнасининг ярим шарни, чап қўл билан ишлайдиган одамнинг ўнг миёнасининг ярим шарини билан таъминлаш билан таъминланган бўлади. Ўқувчи ҳар иккала қўли билан барабар ишлаш бошлаганида миёнасининг ҳар иккала ярим шарни яхши ривожланиб боради. Бугунги кунда ушбу усулда бола онгини ривожлантириш дунёнинг 52 давлатида қўлланилади. Ментал арифметикасини ўрганган ўқувчи бошқа фанларни ҳам тезда ўзлаштира олади. Ушбу методда таълим олиш ёши 4 ёшдан 16 ёшгача этиб белги-ланган. Ментал арифметикани ўзлаштириш орқали ижодий фикрлаш ривожланади, бола но-стандарт бўлмаган вазиятларда ягона ҳақиқий ечимни топишни ўрганади.

(Давоми 4-саҳифада)

## "Ниҳол" да ниҳоллар парваришланмоқда

– Ўқувчиларимизнинг аксарияти ментал арифметика курсларига катта қизиқиш билди-рмоқда, – дейди мактаб раҳбари Умида Собирова. – Бу курслар-га уч ёш тоифасида: 5-7 ёш (ки-чик), 8-10 ёш (урта) ҳамда 11 ёшдан юқори болалар (катта)

гуруҳларига қабул қилинади. Ментал арифметикаси япон дастурига асосланган бўлиб, 2000 йиллик тарихга эга. У замонавий ҳисоблаш машинасидан ҳам тез ҳисоблашни ўрганишга мўлжалланган дастур ҳисобла-нади. Унг қўл билан ишлайдиган



## Қашқадарё вилояти

ган бўлса, майор Собир Ҳуснов Хитойда у-шу спорт тури бўйича малака ошириб қайтиб. Отабек Жабборов армистринг бўйича 75 килограмм вазнда Ўзбекистон чемпиони бўлди. Жавоҳир Раимов Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ микёсига қўл жангида тенгсиз деб топилди. Айни пайтда спортчиларимиз Қуролли Кучлар тизимида ўтказиладиган бокс мусобақасига тайёрларик кўрмоқда.

Жанговар машиналар паркинги айланар эканмиз, маҳаббатли зирҳли техникалар ва уларни профессионал даражада бошқара оладиган ҳарбий хизматчилар эътиборимизни тортиди. Технопаркда танкини кўридан ўтка-заётган танки, сержант Н.Абдураз-зоқовни суҳбатга чорладик.

– Ҳарбий техникаларни бошқариш ҳарбий хизматчида катта маҳора-рат ва матонат талаб қилади, – дей-ди Н.Абдураззоқов. – Боиси, бугунги кунда ҳарбий техникаларнинг ўта та-комиллашган авлодлари ишлаб чиқа-рилмоқдаки, биз ҳарбийлар бунга тайёр бўлишимиз даркор. Шу сабаб-ли имкониятини оширишга хизмат қилмоқда.

– Спорт зали замон талабларига тўла мос бўлиб, 12 спорт тури билан шуғулланиш имконияти яратилган, – дейди спорт йўриқчиси, сержант Қўлдош Элиев. – Барча спорт инвентарлари билан жиҳозланган. Бу ерда ҳарбий хизматчилардан ташқари, уларнинг фарзандлари учун ҳам спорт тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилган. Бунинг натижасида биргина ўтган йили Абду-малик Муҳаммадиев Мудофеа вазирлиги тизимида қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпиони бўл-

Улмас БАРОТОВ, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада) хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва "хуфиёна" иқтисодиёт улушини қисқартириш учун қулай шароит яратиш, жумладан, иқтисодий жараёнларда давлат иштирокини қисқартириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, молиявий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш қулайлигини таъминлаш, шунингдек, кичик саноат зоналари салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали бунга эришиш;

миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва диверсификация қилишни, шунингдек, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш уйғунлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштириш, ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида мамлакат саноатини ривожлантириш стратегияларини (моделларини) ишлаб чиқиш;

инновация лантисини таъминлаш ва технологияларни жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлов бериш тармоқларини жадал ривожлантириш ва юқори қўшилган қийматли тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида товар бозорлари мувозанатини таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган саноат сиёсатини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чўқурлаштириш асосида унинг импортга қарамлигини камайтириш орқали миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш; шунингдек, республика ҳудудлари ва ҳорижий давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш;

урбанизация соҳасида давлат сиёсатини кучайтириш, ишлаб чиқаришларни оқилona жойлаштириш, турар жойларни муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма билан биргаликда қуришни инobatта олган ҳолда ур-

банизация жараёнларини давлат томонидан самарали тартибга солишни таъминлаш, шунингдек, ер участкаларига оид замонавий бозор механизмларини жорий этиш;

барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш мақсадида инвестицияларни жалб қилиш соҳалари ва тармоқларини аниқлаш орқали мамлакатнинг фаол инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий ресурслари ва омилларидан бири сифатида инсон капиталининг даражаси ва сифатини, устувор равишда қишлоқ жойларида, яхшилаш бўйича комплекс таҳлил олиб бориш ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

иқтисодиёт органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини таъминлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, вазирилик аппарати ва унинг таркибий бўлиmlаларининг, устувор равишда ўзига бириктирилган соҳадаги аниқ натижаларга эришиш, олдига қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариши учун ходимларнинг шахсий жавобгарлигини оширишга йўналтирилган иш шакллари ва усулларини тақомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда қўмақлашиш, мамлакатни ривожлантириш давлат дастурлари ва инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш доирасидаги лойиҳаларни, уларнинг лойиҳа олдидан, лойиҳа ва тендер ҳужжатларини, техник топшириқларни экспертизадан ўтказиш бўйича идораларо комплекс тизимини ташкил қилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантириш соҳасида давлат

сиёсатини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурлари ва инвестиция дастурлари Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли инвестиция сиёсати стратегияси асосида ишлаб чиқиладиганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли инвестиция сиёсати стратегияси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепцияси, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш концепциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматини томонидан тасдиқланган дастур ва қарорлар асосида шакллантириладиганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган ва норматив-ҳуқуқий характерга эга қарорларнинг ижроси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ёки қайта қўриб чиқиш бўйича тақдимнома киритиш ҳуқуқига эга;

кичик саноат зоналари ҳудудида қиймати 7,0 миллион АҚШ доллари эквиваленти ҳисобидан юқори бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича маъмурий кенгашлар қарорлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилиши лозим;

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига қуйидаги мақсадлар учун шартнома асосида, жумладан, ҳорижий консултантлар ва экспертларни, шунингдек, техник қўмак ва грант маблағларини жалб қилишга рухсат этилсин:

инвестиция ва саноат сиёсати стратегияларини ишлаб чиқиш соҳасида илгор халқаро тажрибани ўрганиш ва татбиқ этиш, шунингдек, вазириликка юклатилган бошқа вазифалар ва топшириқларни бажариш;

вазирилик ва унинг таркибий бўлиmlалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантиришнинг долзарб масалалари

бўйича тадқиқотлар ўтказиш, инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш; ҳорижий мамлакатларнинг тегишли вазириликлари ва идоралари билан самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирилик ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепцияси лойиҳаси асосида, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш концепциялари ҳамда экспертлар жамоатчилиги орасидаги муҳокамаларнинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда 2019 йил 1 июнга қадар Концепциянинг, шу жумладан, инвестиция сиёсати стратегиясини ўз ичига олган яқиний вариантларини белгиланган тартибда киритсин.

7. Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти таркибида институтнинг умумий штат бириги доирасида 10 нафар кишидан иборат Ходимларнинг малакасини ошириш ўқув маркази ташкил этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирилик ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин: а) кичик саноат зоналари иштирокчилари учун имтиёз ва преференцияларни уларни амалдаги иштирокчилар учун 2020 йил 1 январгача сақлаб қолган ҳолда бекор қилиш;

б) кичик саноат зоналари иштирокчиларига қуйидаги ҳуқуқларни бериш: ўз маблағлари ҳисобига қурилган бино ва иншоотларга (ёки уларнинг қисмларига) мулк ҳуқуқини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш;

инвестиция ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2019 йил 10 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада) йирик шаҳарлар аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш, иқтисодий ва саноат ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига ушбу шаҳарлар аҳолисини тўлиқ ва самарали бандлигини таъминлашга қўмақлашиш, шунингдек, ҳудудлардаги олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари асосида технопарклар ташкил қилиш ва уларнинг тизимини мустаҳкамлаш;

ававаламор саноат, хизмат ва сервис соҳаларида аҳолининг даромадларини ошириш ва барқарор иш жойларини яратиш омили сифатида агломерацияларнинг афзалликларидан фойдаланишни назарда тутган ҳолда ўрта шаҳарларни, шу жумладан, туман марказларини бошқаришда илгор халқаро тажрибани кенг жорий этиш;

йирик шаҳарларга туташ бўлган ва қулай транспорт алоқасига эга йўлдош-шаҳарлар тармоқини кенгайтириш, йирик шаҳарларнинг марказий қисмида саноат ва бошқа зоналар ҳудудларини қисқартириш ҳолда ижтимоий-ишбилармонлик зоналар ҳудудларини кенгайтириш;

2. 2019 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: Ўзбекистон Республикаси Президентлари уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки улар томонидан хусусийлаштирилган бино ва иншоотлар, саноат инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек, уларга туташ ҳудудлардаги ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур миқдордаги ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга;

жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари уларга яқна тартибда уй-жой қуриш ва турар жойга хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга; кўрсатилган ер участкаларини хусусийлаштириш жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан амалга оширилади;

жисмоний ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан хусусийлаштирилган ер участкалари хусусий мулк (фуқаролик муомаласи объектлари) ҳисобланади ва дахлсиздир, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунига мувофиқ давлат томонидан муҳофаза қилинади; ер участкаларини хусусийлаштириш фақатгина кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда пуллик асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Маҳкамаси:

икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунилик палатасига Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини киритсин;

2019 йил 1 июнга қадар хусусийлаштириладиган ер участкалари учун табақалаштирилган тўловлар миқдорлари, шунингдек, уларни тўлаш тартибини белгиловчи ҳукумат қарорини қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазириликлар ва идоралар билан биргаликда, шунингдек, маҳаллий ва ҳорижий консултантлар ва экспертлар билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар белгиланган тартибда, шу жумладан, комплекс уй-жойлар қурилиши ҳисобидан янги шаҳарлар ва йўлдош-шаҳарлар ташкил этишни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш Концепциясини (кейинги ўринларда – Концепция) тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

4. Қуйидагилар: а) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузурида Урбанизация агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этилсин унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

урбанизацияни тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; саноатлаштириш сиёсатининг суръатлари, босқичлари ва натижаларини узоқ муддатли режалаштириш, шаҳар ва қишлоқлардаги узоқ муддатли демографик тенденцияларни таҳлил қилиш, жадал саноатлаштириш шароитида шаҳарларнинг демографик симиғлари ҳамда ишчи кучига бўлган эҳтиёмларини ҳисоблаш;

"Усиш полюслари"ни аниқлаш, бошқарув марказлари жойларини танлаш, таълим, меҳнат бозорини шакллантириш, ички ва ташқи миграция соҳаларидаги сиёсатни келиштириш; қишлоқ аҳолисини янги саноат ихтисосликларига ўқитиш ва қайта тайёрлашга қаратилган қатор институционал ва ташкилий чора-тадбирларни белгилаш ва назарда тутувчи, ишчи кучининг қишлоқлардан шаҳарларга ҳаракатланшини рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;

илгор, энергия тежовчи, экологик тоза технологиялар ва материалларни жорий этиш асосида ҳамда ижтимоий, муҳандислик-коммунал ва йўл-транспорт инфратузилмаларини қамраб олган йўлдош-шаҳарлар бунёд этилишини ҳисобга олган ҳолда шаҳар агломерацияларини шакллантиришни бошқариш;

жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда шаҳар аҳолисини жойлаштириш тизимини комплекс ривож-

лантиришни тартибга солиш, кичик, ўрта, катта ва йирик шаҳарларнинг самарали нисбатини шакллантириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин ва унинг асосий фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин: ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган барча маблағларни жамлаш;

Концепция доирасида барпо этиладиган янги шаҳарлар ва йўлдош-шаҳарларнинг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек, улар учун зарур бўлган муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишини молиялаштириш; кейинчалик тушган маблағларни жамлаган ҳолда зарур инфратузилмаларга эга ер участкаларини аукцион савдолари орқали сотиш;

ипотекани кредитлашнинг янги шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўрта ва узоқ муддатли ипотека облигацияларини чиқариш ҳамда уларни институционал инвесторлар орасида жойлаштириш орқали ипотека бозорини ривожлантириш, шунингдек, миллий ипотека бозорини ривожлантириш мақсадида халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Қурилиш вазирилик, "УшшаҳарозоликЛИТИ" ДУК, "ТошкентбўшланЛИТИ" ДУК ва "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ билан биргаликда табиий-иқтисодий салоҳиятини аниқлаш мақсадида йирик шаҳарларга туташ аҳоли пунктларини инвентаризациядан ўтказишни таъминласин, амалга оширилган ишлар натижаларига кўра 2019 йил 1 ноябрга қадар тизимли урбанизация жараёни амалга оширилишини, янги саноат қороналарининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари билан комплекс жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ўрта муддатли даврда йўлдош-шаҳарларга айлантириладиган аҳоли пунктлари рўйхатини шакллантирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Агентлик томонидан режалаштирилган аҳолини рўйхатдан ўтказиш ишларининг натижаси ҳамда халқаро талаблар бўйича урбанизация даражасини ҳисоблаш методологиясидан келиб чиққан ҳолда, шаҳар аҳолисининг ҳисобини юритиш ва статистик ҳисоботларни тақомиллаштиришни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирилик Агентлик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилик Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар 2020-2025 йилларда комплекс уй-жой қуриш давлат дастурларининг

асосий прогноз параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

бўш турган ер участкалари, яшаш учун яроқсиз бўлган турар жойлар ҳудудларини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган бино ва иншоотларни, кейинчалик уларни инфратузилмавий ривожлантириш ва сотиш учун Жамғармага беришни назарда тутган ҳолда, хатловдан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Ҳукуматининг илгари қабул қилинган қарорларига мувофиқ амалга оширилаётган уй-жойлар қуриш бўйича амалдаги давлат дастурларини босқичма-босқич мақбуллаштириш, бўшайдиган маблағларни комплекс уй-жой қуриш давлат дастурлари доирасида тегишли уй-жойларни қуришга йўналтириш; комплекс уй-жой қуриш давлат дастурларини уларга мос равишда молиялаштириш манбалари, қурилиш материаллари ресурслари ҳамда пудратчи қурилиш ташкилотлари қувватлари билан таъминлаш;

қурилаётган бино ва иншоотларнинг муайян қисмини фақат мўқобили энергия манбалари билан жиҳозлаш ва таъминлаш бўйича мажбурий талабни белгилаш.

Белгилансинки, Жамғармага берилган бўш турган ер участкалари, яшаш учун яроқсиз бўлган турар жой бинолари ҳудудлари, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган бино ва иншоотлар хусусийлаштирилган ҳисобланади ва кейинчалик белгиланган тартибда қурувчиларга сотилиши мумкин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда Концепцияни амалга ошириш учун қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини тегишли ҳудудлар ва аҳоли пунктларининг бош режаларига мувофиқ аниқлайди; манфаатдор вазириликлар ва идоралар билан биргаликда Концепция доирасида белгиланган ер участкаларидан зарур муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жойлаштириш юзасидан назоратни таъминлайди.

9. Ўзбекистон Республикасида урбанизацияни тартибга солишни таъминлаш бўйича "Йул харитаси" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик Маҳкамаси ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясининг Исполотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиmlаларига мазкур "Йул харитаси"нинг ижро ҳолати тўғрисидаги ахборотни киритиб бурсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар тадбиркорлик, истеъмол, ипотека ва бошқа кредитлар юзасидан банкка муржабат қилиш жойи бўйича рўйхатда туриш мажбурийлиги ҳақидаги талабни бекор қиладиган кредитлашнинг янги тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирилик манфаатдор вазириликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда шартнома асосида мустақил консултантлар ва экспертларни, техник қўмак маблағлари ва грантларни жалб қилган ҳолда, урбанизация соҳасида энг муҳим халқаро рейтинглар ва индикаторларнинг кўрсаткичлари, уларни шакллантириш методологиялари чўқур ўрганилишини таъминласин, шунингдек, кўрсатилган рейтингларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича тақлифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирилик, Адлия вазирилик икки ой мuddатда Вазирилик Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирилик хузуридаги Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини, унинг маблағларини шакллантириш манбалари ва улардан фойдаланиш тартибини назарда тутган ҳолда, ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини; қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни киритсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва оммавий ахборот воситаларига мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини кенг ёритиш тавсия этилсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси-нинг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2019 йил 10 январь

# ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

(Боши 1-саҳифада)

Марказ томонидан ўтган вақт мобайнида буюк алломаларимиз меросини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, нуфузли халқаро марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Европа ва Шарқ мамлакатлари, дунёдаги етакчи ислом тадқиқот марказлари, университетлар билан алоқалар ўрнатилди. Жумладан, Буюк Британиянинг Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Кембриж университети, "Ал-Фурқон" фонди, Британия музейи, Франциянинг Араб дунёси институти, Франция миллий кутубхонаси ва бошқа илм-фан масканлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Марказ илмий ходимлари томонидан "Имом Бухорий таърифи", "Алоуддин Усамандий Самарқандий ҳаёти ва илмий мероси", "Луббул ҳадис" асари каби 17 та китоб нашрга тайёрланди. Хорижий мамлакатларнинг кутубхона фондларида сақланаётган 535 та қўлёзма ва тошбома асарларнинг электрон нусхалари олинди. Марказда сақланаётган 1 минг 168 асарнинг каталоги тайёрланди.

Давлатимиз раҳбари қўлёзма китобларни авайлаб сақлаш, таржима қилиб халққа етказиш бўйича кўрсатилган берди. Имом Бухорий илмий-тадқиқот маркази билан бирга олий диний таълим муассасаси – Ҳадис илми мактаби ҳам бунёд этилган. Шавкат Мирзиёев ушбу мактаб билан ҳам танишди.

Ҳадис илми мактабда ўқиш мuddати беш йил. Мактабга араб тилини пухта ўзлаштирган, ҳадисларни ёд олишга салоҳияти бўлган ўрта махсус диний таълим муассасаларининг 10 нафар иқтидорли битирувчиси саралаб олинган. Мактабда ҳадисшунослик фанлари билан бир қаторда Қуръони карим, фиҳр, ақида, тафсири, ислом тарихи каби фанлар ҳамда хорижий тиллардан чуқур билим берилди.

Буюк аждодларимиз асос солган Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил қилиш мамлакатимиз маънавий тараққиётининг бугунги босқичида муҳим аҳамият касб этади. Ташкил этилган муассасаси олдига Ҳадис илмининг илмий-назарий асосларини пухта ўрганиш, хорижий тилларни чуқур ўргатиш, машғулотларни "Устоз – шогирд" аъёнлари асосида ташкил этиш, дунёвий давлатда диний қадриятларни асраб-авайлаш, ҳадис илми уламолари асарларининг илмий-изоҳли таржима ва баъдий матнларини тайёрлаш, ўзбек ва хорижий тилларда нашр этиш, илмий семинарлар, конференциялар ташкил этиш, энг муҳими, Жаҳолатга қарши – маърифат" шiori асосида муросасизлик, экстремизм ва терроризмнинг ҳар қандай қўрилишига илм-маърифат, юксак одоб-ахлоқ билан қарши туришдек катта вазифалар қўйилган.

Келажақда Ҳадис илми мактаби битирувчилари диний фанлар, хусусан, ҳадис илми соҳасида таълим бериб, диний ташкилотларда имом-хатиб, илмий ходим вазифаларида ишлаши, шунингдек, илмий-тадқиқот марказларида илмий ходим сифатида фаолият олиб бориши кўзда тутилган. Битирувчилар таълимини ўз ичига олади қўра, Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистратурасида, таянч

докторантура ва докторантура босқичларида давом эттириши мумкин.

Президентимиз мактабда ўқитиш услубларини такомиллаштириш, халқаро илмий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Самарқанд тумани Қорасув массивида қурилаётган замонавий уй-жойларни бориб кўрди.

Президентимиз худудларга ташрифи чоғида энг муҳим иқтисодий-иқтисодий лойиҳалар қатори аҳоли учун қўлай турмуш шароити яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Самарқанд вилоятида ҳам кейинги йилларда бу борада салмоқли ишлар қилинмоқда.

Жумладан, Самарқанд шаҳри аҳолисининг уй-жойга эҳтиёжи юқорилигини инобатга олиб, 2018 йилги дастурга қўшимча равишда қўп қаватли арзон уйлар қуриш киритилган эди. Шунга мувофиқ, Самарқанд тумани Қорасув массивидан Самарқанд шаҳри учун 50 гектарга яқин ер ажратилиб, кенг қўламли бунёдкорлик-обodonлаштириш ишлари амалга оширилди.

2018 йилнинг ўзида "Ўзшаҳарқурилиш-инвест" инжиниринг компанияси бюрт-масси асосида жами 1 минг 344 хонадондан иборат 7 қаватли 32 та арзон уй барпо этилди. Бундан ташқари, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан Мудосфаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазириликлари, Миллий гвардия хизматчилари ва ёш оилаларга мўлжалланган 5 қаватли 12 та турар жой қуриб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, ҳудудда хусусий боғча, ички ишлар бўлими биноси, сағдо ва маийш хизмат мажмуаси, "Регистон" супермаркети қуриб битказилди. 540 ўринли мактаб қурилиши якунланмоқда.

Шу тариқа бу ерда қисқа фурсатда замонавий массив қад ростлади. Янги уйларда одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун барча қўлайликлар эътиборга олинган. Ҳар бир хонадон индивидуал иситиш қозонлари билан таъминланган. Уйлар олдига болалар ўйин майдончалари барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари Жасур Турсунқулов ва Жамшид Каттақуловлар оилалари кўчиб ўтган хонадонларни кириб кўрди, уй соҳиблари билан суҳбатлашди.

Шу ерда Қорасув массивида 2019 йилда фойдаланишга топшириладиган уйлар, жумладан, "Агромир билдинг" компанияси томонидан Туркиянинг замонавий технологияси асосида монолит усулида барпо этилаётган 16 қаватли турар жойлар, коммунал соҳа инфратузилма объектларининг лойиҳа қўрилишидаги тақдимотлари ўтказилди.

Янги массивда "Ўзшаҳарқурилишин-

вест" инжиниринг компанияси томонидан 12 та, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан 7 та уй қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Президентимиз турар жойлар қурилишининг одамлар ҳаётидаги, ҳудуд инфратузилмасидаги аҳамияти ҳақида тўхтади.

Самарқанд туризм маркази бўлиши керак. Шунинг учун бу ерда қўп қаватли уйлар қурилишини кўпайтиришимиз. Шаҳарда энг замонавий талабларга жавоб берадиган уйлар қуриб, аҳолини таъминлаймиз. Уйларни қуришдан олдин унинг эгаси, қайси қаватда, неча хонали уйда яшашгача аниқ бўлиши лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Самарқанд сейсмик ҳаётдан қўлай ҳудудда жойлашгани боис келажақда Каттақўрғон, Урганч, Пахтачи, Нарпай, Қўшработ туманлари марказларида ҳам қўп қаватли уйлар қурилиши зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, ёғ-моҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоқ корхоналарида замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тойлоқ туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва қадқоқлашга иختисослаштирилган "Pet Agro Oil" қўшма корхонаси 2017 йилда Шимолий Ирландиянинг "Nortec Estate LLP" компанияси ҳамда Ўзбекистоннинг "Tony Green" фирмаси томонидан ташкил этилган.

Айни пайтда корхона фаолиятини кенгайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Италия, Австрия, Туркия, Швейцария, Ҳиндистон, Болгария ва Хитойдан 7 миллион долларга замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди.

Корхона тўлиқ қувват билан иш бошлагач, 800 кишининг қўлига таъминланади. Кунига 350 тонна ўсимлик ёғи, 3 минг тонна томат пастаси, 2 минг 500 тонна олма концентрати ишлаб чиқарилади.

Шу ерда Самарқанд вилоятига бириктирилган Ўзбекистон Республикасининг Туркия, Хитой ва Испания давлатларидаги элчиликларини ҳамда Афина шаҳридаги Бош консуллиги қўлига амалга ошириладиган лойиҳалар, вилоятда интенсив боғлар, пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этиш, сув тежайдиган технологиялар, паррандачиликни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари тақдимотлари ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига Хитойнинг "Henan Wanbang Selected Supply Chain Management Co.LTD" компанияси томонидан чорвачилик кластери қуриш лойиҳаси, Булунгур, Жомбой ва Пайариқ туманларида чорвачилик кластерига танланган ер

майдонлари, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш ва "Томорқа хизмати" МЧЖ фаолиятини кенгайтириш вазифалари ҳақида маълумот берилди.

Самарқанд туманидаги "Afrosiyob Patganda" МЧЖ Самарқанд, Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида омихта ем ҳамда премикс ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирган. Сурхондарёда 2019 йилнинг туртинчи чоратида 6,6 миллион евро эвазига йилга 50 минг тонна омихта ем тайёрлайдиган корхона барпо этилади.

Президентимиз Туркиядаги элчиюна томонидан қишлоқ хўжалиги учун дори воситалари ва ўқитлар, томчилатиб сугориш ускуналари, трактор, полипропилендан ил-калава, сендвич панель ишлаб чиқариш, Самарқанд шаҳрида 130 ўринли меҳмонхона қуриш лойиҳалари билан танишди.

Испания қироллигидаги элчиюна вилоятда замонавий қурилиш материаллари, иссиқхона қуриш учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, пахта учун томчилатиб сугориш тизимини жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экиллари уругини тайёрлаш заводи қуриш лойиҳаларини амалга оширади.

Шавкат Мирзиёев ушбу лойиҳаларнинг асоси, самарадорлиги билан қизиқди. Улар юзасидан тегишли кўрсатмалар бериб, хорижий тажрибани ўрганиш, керак бўлса, чет элдан консултантлар жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Самарқанд вилоятида 37 минг гектардан зиёд лалми ер майдонларидан фойдаланилмаётгани, уларни ишга солиб, аҳолини иш ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш мумкинлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрининг Университет хибонидида қурилаётган Конфуций майдонида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Конфуций эраиздан олдинги 551 йилда туғилган. Хитой маданияти асосларининг яратилиш даврини бошлаб берган. Конфуций таълимоти асосчиси, сиёсий арбоб сифатида танилган. 2014 йилда Шанхай хорижий тиллар университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик шартномасига мувофиқ, чет тиллар институти қошида Конфуций институти ташкил этилган эди.

Президентимизнинг аввалги ташрифи чоғида берилган топшириқларга мувофиқ, Самарқанд давлат университети ёнида буюк мутафаккир Конфуций ҳайкали ўрнатилди. Ҳайкал атрофидаги майдонда қадимги Хитой аъёнларига хос айвонлар барпо этилди.

Самарқанд давлат университети

қарашли 9 қаватли ўқув ва маъмурий бинода қурилиш ишлари амалга оширилиб, унинг ҳар бир қавати ривожланган мамлакатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари андозаларига мослаштирилди.

Бу ерда халқаро таълим дастурлари маркази ташкил этилмоқда. Унда Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон ва Европа Иттифоқи давлатлари университетларидаги энг яхши тажрибалар ўрганилади. Мамлакатимиз тармоқлари учун зарур малакали мутахассислар тайёрланади. Талабалар икки йил ушбу марказда таълим оلسа, кейин хорижда ўқишни давом эттиради.

Президентимиз марказ лойиҳаси билан танишиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Шу ерда Самарқандда туризмни ривожлантириш, конгресс-холл ва меҳмонхоналар қуришга оид ва бошқа лойиҳалар намойиш этилди.

Ун тўрт гектардан зиёд майдонда бунёд этиладиган конгресс-холлда йирик халқаро анжуманлар ўтказиш учун барча шароит яратилди. Унинг атрофида беш юздони иккита замонавий меҳмонхона, бизнес марказлар ва бошқа объектлар қурилади.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 540 дан зиёд туристик объект, 119 та меҳмонхона, 23 та уй меҳмонхона, 127 та туроператор фаолият кўрсатмоқда. Уттан йили вилоятга 2 миллион 400 мингдан зиёд маҳаллий ва хорижий сайёҳ ташриф буюрган. Айни пайтда вилоят туризм салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Индонезиянинг "Sahid group" компанияси билан ҳамкорликда иккита замонавий меҳмонхона қурилмоқда. Урганч, Самарқанд, Нуробод каби қатор туманларда янги туристик маршрутлар ташкил этиш ишлари бошланган.

Давлатимиз раҳбарига туризмни ривожлантириш бўйича "Smart Chain" компанияси томонидан "Nazzar" инновацион иловаси ҳақида маълумот берилди. Ушбу инновацион илова исталган материални тўлдирилган воқелик элементлари билан бойитиши мумкин. Смартфон "Nazzar" белгисига йўналтирилса, мобил қўрилма экранда реал объектнинг тасвири чиқиб, у турли эффектлар билан тўлдирилади.

"Smart Chain" компанияси мутахассислари таклиф этётган инновацион иловалар орқали мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда тарихий обидалар ва музейларни ёшлар ўртасида янада оммалаштириш мумкин. Ушбу карточаларга смартфонни яқинлаштириш орқали тарихий объектларни "гадалантириш", лавҳа фондида аудиоматни эшитиш ёки уни 3D реаллигида томоша қилиш имконияти мавжуд. Президент мамлакатимиз

туризм салоҳиятини янада ривожлантириш учун, аввало, малакали мутахассислар тайёрлаш зарурлигини қайд этди. Мутасаддиларга туризм ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, Самарқанддаги "Ипак йўли" туризм халқаро университети фаолиятини янада кучайтириш бўйича топшириқлар берди.

Шу кун Самарқанд шаҳрида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев юртимиз раънақи йўлида фидокорона меҳнат қилган Самарқанд ахлига чуқур ҳурматини билдириб, иқтисодий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, халқимиз ҳаётини яхшилаш бўйича вилоятда ҳам қўп ишлар қилинаётганини таъкидлади.

Жумладан, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 29 та қишлоқ, 4 та маҳаллада қарийб 200 миллиард сўмлик қурилиш ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилган. Уттан йили 1 минг 500 квартиралари 36 та қўп қаватли уй, 2 минг 349 та арзон уй-жой барпо этилиб, эгаларига топширилган. 60 га яқин давлат болалар боғчаси қурилиб, 356 та хусусий мактабга таълим муассасаси ташкил этилган. Соғлиқни сақлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, коммунал тармоқларни реконструкция қилиш бўйича ҳам аниқ манзилли ишлар бажарилган.

Давлатимиз раҳбари Германиянинг етакчи университетлари билан ҳамкорлик ўрнатиб, Самарқандда "рақамли иқтисодиёт" учун кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг тавсиясига биноан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келаётган Эркинжон Турдимов Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз томонидан Самарқанд вилоятини жадал ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифаларни бажариш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этишни таъкидладилар.

Вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, инвестиция жараёнини фаоллаштириб, янги корхоналар қуриш ва иш ўринларини қўлайлаштириш энг муҳим ва устувор йўналиш ҳисобланади. Уттан йили вилоятда 448 та объект ишга туширилган. Лекин Самарқанд-дек катта салоҳиятга эга ҳудуд учун ётарлик эмас, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу мақсадда 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган 968 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилгани, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда йирик саноат корхоналари ташкил этилиши маълум қилинди.

Самарқанднинг туризм салоҳиятидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди. Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи якунланди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
Умар АСРОПОВ,  
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ.



(Боши 1-саҳифада)

– Нафтали Марказий Осиёда, балки бутун мусулмон дунёсида ноёб бу марказ ислом динининг асл моҳиятини, унинг фалсафасини кенг тарғиб қилиш, илмий бойиштига салмоқли хисса қўшган алломаларимизнинг сўнмас мероси тимсолида ташкил этилди. – дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари Нуриёмон Абдулҳасан. – Бунга марказ биносини миллий меъморчилик аъёнлари асосида бунёд этишда ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз таклифлари билан, аввало, бинога кириш фойесида улкан гўмбаз қурилиб, унинг ички томонига Қуръони каримнинг биринчи нозил бўлган оятлари, яъни "Алақ" сурасининг беш ояти ёзилди. Бу оятларнинг учтасида пайгамбаримиз Мухаммад саллалоҳу алайҳи вассалламга "Ўқинг" деб мурожаат қилинган. Бу ушбу дароҳга кирган дароҳнинг мазмун-моҳиятини ифода этиб, марказнинг илму урфон, зиё маркази эканлигини намойён этади. Шунингдек, гўмбазда Имом Бухорий ҳазратларининг "Жоме ас-саҳиҳ" китобларида келтирилган биринчи – "Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқдир" деган ҳадиси битилдики, бу марказнинг ташкил этилиши бизнинг эзгу ниятларимиз билан боғлиқ, деган маънони ифода қилади. Буюк аждодларимизнинг

руҳини шод этиш, файзли Ўзбекистонимизнинг муборак заминидида макон топан ҳаётини билмишларни яна шуъьалантириш бизнинг эзгу ниятларимиздир.

Марказнинг биринчи қаватида ташкил этилган музейга кирган киши асл илм манбаидан куч олиши табиий, ўзингизни руҳан поклангандек сезасиз. Музей марказига "Саҳиҳи Бухорий" китобининг қадимий қўлёзма нусхаси ва буюк муҳаддиснинг айни пайтда дунёнинг турли мамлакатларида сақланаётган ноёб асарларининг нусхалари қўйилган.

Имом Бухорий ҳазратлари ўзларининг илмий сафарлари чоғида Бағдодда ҳадис илми билан шуғулланиб, муҳаммад ҳадислар тўпламини яратгани ва уларни ёд олганларига Бағдод уламолари шубҳа билан қаради. Шу сабабли улар Имом Бухорийни таклиф этиб, у кишининг илмларини синовдан ўтказишди. Музей тўрадаги деворда ниятга боғлиқдир" деган ҳадиси битилдики, бу марказнинг ташкил этилиши бизнинг эзгу ниятларимиз билан боғлиқ, деган маънони ифода қилади. Буюк аждодларимизнинг

Шовосил Зиёдов. – Бундан ташқари, Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Саудия Арабистони, Миср, Туркия, Малайзия, Покистон, Ҳиндистондаги илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Малайзиянинг Ислום илмлари университети, Ислום цивилизацияси институти, Ислוםни англаш институти билан буюк алломаларимиз илмий меросини ўрганиш йўналишида келишувларга эришилди. Саудия Арабистонининг Подшоҳ Абдулазиз университети, Суннат ва наъвий меросини ўрганиш маркази билан хорижда сақла-

мактаби фаолиятини ташкил қилиш мамлакатимиз маънавий тараққиётининг бугунги босқичида муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Қарорга қўра, Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассасидаги Ҳадис илми мактаби олий диний таълим муассасаси ташкил этилди. Бу мактабда ўқиш мuddати беш йил бўлиб, кундузги таълим шаклида олиб борилади. Ҳадисшунослик фанлари билан бир қаторда Қуръони карим, фиҳр, ақида, тафсири, ислом тарихи каби фанлар ҳамда хорижий тиллардан чуқур билим бериладиган мактабга араб тили ва ҳадис фанларини ўзлаштирган, мумтоз матнларни ўқий оладиган ҳамда уларни ёд олишга салоҳияти бўлган 5-10 нафар Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар фуқаролари суҳбат асосида саралаб олинди.

– Тарихдан маълумки, заманимизда узоқ ўтмишда исломий илмларни ўргатувчи мактаблар шаклланган, – дейди Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Убайдулла Уватов. – Масалан, Самарқандда ҳадис илми, Қаршида қалом илми, ақида илми, Марғилонда фиҳр илми, Бухорода тасавуф илми мактаби бўлган. Мана, орадан бир неча аср ўтиб ташкил этилаётган ушбу марказ-

ларда замонамизнинг бухорийлари, насафийлари, марғилонийлари етишиб чиқиб келиши керак. Ва ишчилоқ, бу мақсадларимиз рўёбга чиқсин.

Ҳадис илми мактаб фаолиятининг асосий мақсади Ислום

динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, илмий-маънавий асосларини, ҳадис илми ривожига беқиёс хисса қўшган алломаларимизнинг илмий меросини ўрганиш, динлар тарихи ва назариясини муҳаммад эгаллаган, ислом дини асослари ва араб тилини, хусусан, ҳадис ва унга доир илмларни чуқур ўзлаштирган етук мутахассисларни тайёрлашдир.

Маълумот учун айтиш жоизки, ислом билим юрталарида барча диний фанлар бўйича бошланғич билим ва тушунчалар берилади. Ҳадис илми мактабиди эса фақат ҳадис илмига хос ёки уни ўрганишга қўмак бериувчи мумтоз манбалар "устоз-шогирд" аъёнаси асосида ўқитилади.

Ҳадис илми мактаби тингловчилари модуль тизими асосида, 2-3 ой давомиди битта асар бўйича шуғулланади. Курс якунида имтиҳонлардан ўтган тингловчиларга муайян китобни ўзлаштиргани тўғрисида гувоҳнома ҳамда кейинги асар бўйича машғулотларга қатнашиш имкони берилади.

Мактабга ўқув жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг уламолари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент ислом институтининг профессор-ўқитув-


чилари, хорижлик кўзга қўринган мутахассислар жалб қилинади. Илмий салоҳиятга эга профессор-ўқитувчиларни танлаш, уларни Ҳадис илми мактабига жалб қилиш Тошкент ислом институти зиммасига

юклатилади. Ҳадис илми мактабининг ўқув биноси, ётоқхона ва ахборот-ресурс маркази моддий таъминоти билан боғлиқ харажатлар, профессор-ўқитувчи ва ходимларни ойлик-маош билан таъминлаш Ўзбекистон мусулмонлари идораси хузуридаги "Вақф" хайрия жамоат фонди томонидан амалга оширилади.

Мактаб курсларини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга диний таълим муассасаларига кириш учун ўтказиладиган қабул имтиҳонларида ҳар бир сертификат бўйича тўплаган баланинг 5 фоизи миқдориди қўшимча балл таъминди этилади.

Фаҳр билан айтиш мумкинки, Ватанимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар, аввало, иқтисодиётимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Маънавий-маърифий жаҳода эришаётган ютуқларимиз эса жаҳон цивилизацияси ривожига беқиёс хисса қўшган Ўзбекистондек муқаддас заминда бугун ҳам буюк илм-фан соҳиблари етишиб чиқётгани, улар, албатта, эзгуликка хизмат қилишидан далолатдир.

Улуғбек АСРОПОВ,  
Ғолиб ҲАСАНОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ.



# ЯНГИ ИЛМИЙ МАРКАЗ ВА ҲАДИС МАКТАБИ



Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган суратлар.

Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси, Оҳангарон ва Бурчмулло давлат ўрмон хўжалиқларининг ўрмон фонди ҳамда бошқа ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ерларини ўз ичига олиб, давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси ҳисобланади.



Тошкент вилояти

Табиатни аслидай асраш нафақат соҳа вакиллариинг, балки барчамизнинг вазифамизга айланиши лозим

Миллий боғ ҳудудида 1800 га яқин ўсимлик тури мавжуд бўлиб, шундан 74 хили Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган. 8 хил лопла, ўрта Осиё ноки, Пском пиёзи, Абонин астрагали, Эремуруслар, Бошиқизилсой герани, Минквиц тезими, ёввойи саллагул шулар жумласидандир.

Ҳайвонот дунёсининг эса 230 га яқин тури яшайди, шундан 38 тури Ўзбекистон ва Халқаро "Қизил китоб"ларига киритилган бўлиб, қор қоплони, Тянь-Шань кўнғир айиғи, Мензбира сугури, Туркистон силвосини, кичик такабурун, лочинлар, кумой, Чотқол шайтонбалиғи, Туркистон лаққачаси, қўлжа арвоҳ капалағи шулар қаторидан жой олган.

Жойларда маҳаллий аҳолидан, табиатни қўриқлаш ташкилотлари вакиллари билан тизимли равишда маълумотларга ва олимларнинг фикрига кўра, сут эмизувчилардан айиқ, қор қоплони, Туркистон силвосини, дала мушуги, тоғ эчкиси, ёввойи чўча, бўри, бўрсиқ, тулки, сугур, сувсар каби ёввойи ҳайвонлар охириги йилларда аста-секин кўпайиб бораётган.

Қушлардан Ҳимолой улари, Альп загачаси, тасқара, болтақотар, кумой, лочин, итолги, оқбошли кумой ва бошқа ноёб қушлар ҳам муҳофаза остига олинган.

Табиат боғи ҳудуди ундаги табиий объектлар ва комплекслар ҳолати, уларнинг рекреацион, маданий ва эстетик қиймати инобатга олинган ҳолда табақалаштирилган қўриқлаш ҳудудларига бўлинади.


Қўриқхона ҳудуди Чотқол давлат биосфера қўриқхонасини ўз ичига олиб, унда ҳар қандай рекреацион, хўжалик ва бошқа фаолият турлари тақиқланади. Рекреация зонаси эса, аҳолининг дам олиши ва даволалиши учун мўлжалланган жойлар бўлиб, тартибга солинадиган ва давомий дам олиш ҳудудларига бўлинади.

Аҳолини соғломлаштириш учун шароит булган тақдирда, табиат боғи ҳудудидан курорт табиий ҳудудлари

ажратилади.

Эндиликда бошқа ташкилотлар табиат боғи ҳудудида жойлашган табиий ва тарихий-маданий комплекслар, объектлар ҳамда уларнинг номлари ва рамзлари акс этган босма, эсдалик ва тиражли маҳсулотлар, шунингдек, бошқа товарларни фақат табиат боғи билан тўзилган шартномага асосан ишлаб чиқаради.


Табиат боғини ҳамкорликда бошқаришга аҳолини жалб қилиш, хўжалик фаолиятга чекловлар белгилаш, рекреация инфратузилмасини, қорва учун пичан ўрмиш ва ўтлатиш жойларини ташкил этиш ҳамда табиат боғи фаолияти билан боғлиқ бошқа



муҳим масалаларини ҳал этиш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорига мувофиқ унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотариат ташкилотлари вакиллари ва фуқаролар-

дан иборат маслаҳат комиссияси тўзилади.

Табиат боғи олдига қўйилган энг асосий вазифалардан бири табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан барқарор фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишдир. Лекин



тан олиш керакки, илмий иш билан шуғулланаётган ёшларимиз кам. Ҳозирги кунда маъмурият томонидан илмий ходимлар сонини ошириш, табиий жараёнларни ўрганиш соҳасида илмий иш олиб боришни хоҳловчи ёшларни жалб қилиш устида бош қотирилмоқда.

Долзарб масалалардан яна бири туризмин ривожлантириш бўлиб, бу борада Бўстонлиқ тумани Бурчмулло қишлоғи Янгикўрғонсойда "Чодирлар шаҳарчаси" ташкил қилинди ва Урун-гочсойдаги табиий кўллари томоша қилишга борувчилар оқимини тартибга солиш мақсадида "Қорабулоқ" эко-

логик пости ташкил қилинди.

Угом-Чотқол табиат боғи дам олиш, ҳордиқ чиқариш, спорт машғулоти билан шуғулланиш, даволалиш, таълим-тарбия олиш учун жуда қулай масканлардан ҳисобланади. Унинг таркибидоғи Бурчмулло ва

Оҳангарон давлат ўрмон хўжалиқлари томонидан яшиллик оламини кенгайтириш мақсадида ўрмонлар барпо этиш, қўлайтириш, қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ва қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш йўналишида муайян ишлар олиб борилиб, ўрмонзорлар майдони йилдан-йилга кенгайтирилмоқда. Утган йили Бурчмулло давлат ўрмон хўжалиғи жамоаси томонидан 32 гектар ерга ёнғоқ, 92 гектарга бодом, 31 гектарга олма, 18 гектарга арча экилиб, 58 ўрмонзорлар барпо этилди, 57 гектар ерда доривор наъматак бутаси плантацияси ташкил қилинди. Жами

230 гектар ерга 91 минг донга қўчат экилган бўлса, 5714 гектар майдонга 5 тоннага яқин дарахт ва бута уруғлари сепилиб, 647,4 минг донга ниҳол етиштирилди.

Бу борадаги ишлар Оҳангарон давлат ўрмон хўжалиғи жамоаси томонидан ҳам муваффақиятли ўздаланимоқда. Бу ерда ҳам қўллаб-бодомзору арчазорлар, пистазору ёнғоқ ва наъматак плантациялари барпо этиляпти.

Бундан ташқари, ўрмон хўжалиқларида ёввойи ҳайвонларнинг ҳисобини олиш, озиқлантириш, зараркунанда ва касалликларга қарши



курашиш, ўрмон ёнгинларининг олдини олиш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар режаси тўзилган бўлиб, бу борада ҳам муайян ишлар амалга ошириляпти.

Утган бир йил давомида ноқонуний овчилик, балиқчилик, дарахт кесиш, сув ва ер манбаларини ифлослантириш, табиат боғи режимини бузиш каби жами 734 та ҳолат бўйича жисмоний ва юридик шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди. Жойларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, сувни муҳофаза қилиш, ноқонуний ов қилишнинг олдини олиш, уй-рўзгор чиқиндиларини махсус чиқиндиҳоналарга ташлаш, қорва молларини руҳлат этилмаган жойларда бокмаслик, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш каби масалаларда муттасил равишда тарбия, таълим ишлари олиб борилмақда.

Табиатни аслидай асраш нафақат табиат қўриқчиларининг, балки барчамизнинг вазифасига айланиши лозим. Шунда, яшиллик оламини кенгайтириб, бетақдор табиатимизни келажак авлодлар учун асраб қоламиз.

Шарифбой ВАКИЛОВ, Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи мутахассиси.

"Ниҳол" да ниҳоллар парваришланмоқда

(Боши 1-саҳифада)

Президентимиз ўтган йилнинг 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташири чогида мазкур билим даргоҳида бўлиб, у ерда олиб борилаётган таълим ва тарбия жараёнлари билан қизиқди ва мактаб жамоасига ўзининг қимматли маслаҳатларини берди. Давлатимиз раҳбари ўқитувчилар фақат дарс бериш билан шуғулланмасдан болаларнинг дунёқарашини ўстириши, манتيкий фикрлашга ўргатиши, уларнинг руҳиятига эҳтиёткорона муносабатда бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз мактаб ўқувчиларига планшетлар ва мактабга автобус совға қилди.

Ҳозиргина вилоятда ягона бўлган ушбу нодавлат мактабининг келгуси ўқув йилидан бошлаб бошланғич синф йўналиши бўйича иш олиб бориши режалаштирилган. Бунинг учун ҳозирдақоқ сайёҳаракатлар бошлаб юборилган. Хусусан, қўшимча бино қуриш ишлари давом этмоқда. Қўшимча бино ишга тушиши билан яна 100 нафар ўқувчини қабул қилиш имконияти яратилади.

Келгусида мактабни нодавлат умумий ўрта таълим мактабига айлантириш ҳам режамизда бор, — дейди мактаб таъсисчиси Мақсуд Зоиров. — Бунинг учун "Шово" канали бўйида, бўш ётган ерда қурилиш қилиш ниятдаимиз. Мактабни бошланғич таълимга айлантириш орқали янги ишчи ўринлари ҳам пайдо бўлади. Педагог кадрларни ишга қабул қилишда инновацион технологиялар асосида дарс ўтиш маҳорати мутахассислар томонидан синовдан ўтказилади. Синовдан муваффақиятли ўтса, билим даргоҳида ўз педагог фаолиятини давом эттиради.

Бу ерда компьютерлар интернет тармоғига уланган бўлиб, ҳар бир синфда 16 нафардан ўқувчи таълим олади. Ўқитувчилар ўқувчилар билан яқна тартибда ишлаш жараёнига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Машғулотлардан кейин бепул қўшимча тайёрлов жараёни олиб борилади, — дейди мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Милоҳат Аллаберганова. — Бу маълум сабаблар билан дарсларда иштирок этолмаган ёки дарсликларни ўзлаштирилмай қолган ўқувчилар учун аниқ муддаоир.

Болтабой МАТКУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ЭЪЛОН

Барча тадбиркор ва сармоядорлар диққатига!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

1. "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига ТИФ Миллий банки ҳошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 10 январдаги 56-сонли бюртномасига асосан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

- 1. Навоий вилояти Хатирчи туманида жойлашган "Марказий деҳқон бозори" 2 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 6318,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 1305,92 кв.метр, 1 та лифтердан иборат. Бошланғич баҳоси — 3 498 508 000 сўм.
2. Жиззах вилояти, Ш.Рашидов туманида жойлашган "Учтепа деҳқон бозори" 2 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 6498 кв.метр, қурилиш ости майдони 924,13 кв.метр, 4 та лифтердан иборат. Бошланғич баҳоси — 2 092 212 000 сўм.
3. Андижон вилояти Асака туманида жойлашган "Асака деҳқон бозори" 2 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 3666,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 2846,8 кв.метр, 5 та лифтердан иборат. Бошланғич баҳоси — 7 275 354 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 21 январь кунини соат 11:00да Тошкент шаҳри Олмазор тумани Қорақамиш-1 кўчаси, 1А-уй манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юридаги мулк 2019 йил 21 январь кунини соат 11:00да тақририй савдолар 2019 йил 24, 28 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: - юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаининг нусخаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилининг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатининг нусхаси; - жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакоил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатининг нусхаси.

Савдо голлибга савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш кунини ичига сотуви билан олдин-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юзатилади.

Талабдорлар мулкнинг 1 фозидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги 22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 хўрга савдода иштирок этиш учун ариза топширигига қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани Қорақамиш-1 кўчаси 1А-уй. Тел.: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

ЭЪЛОН

"Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини" инспекцияси тадбиркорлик субъектларини давлат шерикчилиги асосида

"ЎСИМЛИКЛАР КЛИНИКАСИ"

ташкил этишга таклиф этади.



Манзил: Тошкент шаҳри Яққасарой тумани А.Қаҳҳор кўчаси 39 уй. Мурежаат учун телесфон: (95) 198-83-13, 198-83-43 Email: toshkent@karantin.uz

ЭЪЛОНЛАР

Челонор т. Челонор мавзеи 1-ақсарт 25-йў 27 сондаги Челонор БТИКси томонидан Равондор Валерий Леонидович номига берилган уй асосида урқунларни йўқотгани сабабли бекор ҳисобланади.

Келовар Ирокович Исломовичга 1989 йилда Тошкент темирўли транспортни инженерлари институти томонидан берилган ВТ 574104 рақамли диплом йўқотганини сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент т. Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатдан Утган "TASHKENT FLOOR COVERINGS" СТИР 305869033) ўқ. уставка фонди 200 000 000 (икки юз миллион) сўмдан 40 000 000 (юрт миллион) сўмгача камайтирилди. Тел.: (98) 125-29-28.

Маликов Нозимжонга Челонор т. газ таъминоти участкаси ташкилоти томонидан 04.06.2019 й.да берилган 981-сонли экикет пулқончаси йўқотганини сабабли бекор ҳисобланади.

2017 й. 22 кунда Тошкент ш. Челонор т. Давлат хизматлари маркази томонидан 554986-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "AMIR TEA" МЧЖнинг устав капитални 700 000 000 (юрт юз миллион) сўмдан 200 000 000 (икки юз миллион) сўмгача камайтирилди. Аризалар ва талабномалар: Тошкент ш. Миробод т. Фарона йўли 64-йў манзили бўйича қабул қилинади.

Учтепа т. Давлат хизматлари марказидан 11.05.2018 й.да 607828 реестр тартиб рақами 0994 305542184) билан рўйхатдан Утган "LEGNOSTAR" МЧЖнинг устав фонди 397 700 000 сўмдан 8 110 000 сўмгача камайтирилиши маълум қилиди.

Тошкент ш. Челонор т. ДХМ томонидан 2013 йил 21 январьда 008508-08 рақам билан рўйхатдан Утган Тошкент ш. Челонор т. Бунёдкор ш.ш. кўчаси 11-йўлда жойлашган "ЧЕТ LUX GROUP" МЧЖ (СТИР 302457342) тугатилди. Дилларар учун тел.: (90) 321-03-65.

Тошкент шаҳар админ бошқармаси томонидан 2009 й. 8 июнда берилган ТН 000965 рақамли Бурчмуллодеҳқон Ваюлд Вахдатович номига берилган ливониз йўқотганини сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент фармцевтикул институти томонидан 1996 й.да Аллага Голлибон Хўрасановичи номига берилган 141242 рақамли диплом йўқотганини сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Шайхонтоғул т. ТСРҲИ томонидан 007341-09 рақами билан 2014 й. 26 февралда рўйхатдан Утган "PREMIUM ASIA TRADE" МЧЖ (СТИР 207108028) (суффиксичон ва АҚШ кўчалари кесимида жойда 18 "йў) ишга жойлашгани тугатилди. Асос: "PREMIUM ASIA TRADE" МЧЖ илова мувозаирининг 1-матри. Дилларар эълон чоғ этилган кундан 2 ой ичига (99) 822-35-75 тел. рақамида қабул қилинади.

ОБУНА: Ҳади кеч эмас...

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-иқтисодий ислохотлар, хусусан, қишлоқ жойлардаги улкан бунёдкорликлар, одамлар ону тафаккуридаги ўзгаришлар, қишлоқ ҳаётининг жонли манзаралари билан танишиш истагиди булсангиз,

"QISHLOQ HAYOTI" газетаси учун 2019 йилга обуна бўлишга шоволин! Бунинг учун обуна уюштирувчи ташкилотларга, шунингдек, тахририятнинг ўзига ҳам мурожаат этишингиз мумкин.

ШАШРИМИЗ ИНДЕКСИ — 144.

Реклама

PLANETA SERVICE TRAKTORBOR.UZ «МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ (+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125 Махсулотлар сертифициланган.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси Аграрноат комплекси таркибидоғи ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Баҳодир ЮСУПОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, Саидкамол ХОДЖАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ (Маъсул котиб). Телефонлар: Қабулхона — 238-26-50, Котибият — 238-26-47, Аграр масалалар бўлими — 233-78-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 238-26-35, Иқтисодий-синосий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 238-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-78-78, Факс — 233-44-43, 233-09-83. Реклама ва эълонлар: 238-26-50, 233-28-04, web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04. Виллоятлар: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99893) 940-10-78; Навоий — (+99891) 332-50-99; Наманган — (+99893) 948-53-86; Фарғона — (+99890) 407-78-03; Самарқанд — (+99893) 994-57-08; Сирдарё — (+99894) 188-23-80; Сурхондарё — (+99890) 520-20-05; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99897) 790-47-81; Қашқадарё — (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-125, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қроғз бичими А-2. Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди. 6 005 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ — 144. Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 02.20

ISSN 2010-7021 172010702007 Навбатчи муҳаррир: А.ҲАҚБЕРДИЕВ